

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

5-2021

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фаргона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳрир ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR (Япония)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)

БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)

LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)

БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)

РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)

АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)

КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)

ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Туркия)

КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)

ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)

ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)

ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)

ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)

КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)

РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)

САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)

ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)

ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)

ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)

ҒОФУРОВ А. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)

АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)

ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)

ЎРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)

АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)

ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)

ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)

ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)

ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)

ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)

ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)

УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)

АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)

АШИРОВ А. (Ўзбекистон)

МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)

МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)

МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)

ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)

БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

Муҳаррирлар: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.
Шералиева Ж.

Таҳририят манзили:

150100, Фаргона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фаргона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фаргона,
2021.

А.Юсупов	
XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистон ўлкасининг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари	106
И.Боҳодиров	
Туркистонда 1916-йилги халқ қўзғолони жараёнида Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг фаолияти	112
С.Холиқов	
Хорижий мамлакатларда миллий хавфсизликни таъминлашда парламентнинг ўрни	118
А.Юлдашов	
Кутубхона хизмати фаолиятида муаллифлик ҳуқуқини таъминлашнинг долзарб масалалари	122
	АДАБИЁТШУНОСЛИК
А.Сабирдинов	
Абдулла Ориповнинг шеърий маҳорати	126
Д.Қаландарова	
“Гўрўғли” достони версиялари Карл Райхл тадқиқотлари мисолида	129
Н.Сабиров	
Москва савдо компанияси Лондон тожирлари учун ўзи томонидан ёзилган «Жаноб Энтони Дженкинсоннинг россиянинг Москва шаҳридан 1558 йил Бухоро (Boghar) шаҳригача саёҳатномасида»ги Бухоро сиймоси	134
А.Абдурахмонов	
Насрий асарда ранг – лейтмотив	137
	ТИЛШУНОСЛИК
О.Латипов	
Рус ва ўзбек тилларида ёввойи қушлар номларининг коннотатив хусусияти	140
Я.Нишанов	
Мактабда адабиёт фанини ўқитиш муаммолари: замонавий ёндашув ва уларни ечиш услублари	146
Ш.Искандарова, З.Маруфова	
Мумтоз бадиий матнларда гўзалликнинг ифодаланиши	150
М.Турсунова	
Рус-инглиз тил алоқаларининг тарихи	153
Т.Алимов	
Таржима назарияси ва амалиёти	157
М.Саидова, Н.Расулова	
“The concise oxford dictionary of literary terms” луғатидаги драма адабий турига хос Терминларининг мазмуний таҳлили	161
	ПЕДАГОГИКА
Т.Эгамбердиева	
Оиладаги ижтимоий муҳит ва гендер тенглик	166
Б.Ходжаев	
Янги ренессанс педагогикаси ва Абдулла Авлоний педагогик қарашларининг уйғунлиги	172
Г.Назарова	
Бўлғуси иқтисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг инновацион-педагогик омиллари	176
Г.Алимжонова	
Олий техник таълим муассасалари талабаларининг техноэтик маданиятини ривожлантиришнинг педагогик хусусиятлари	182
	ИЛМИЙ АХБОРОТ
Б.Абдуганиев, Н.Азимова	
Турли никотинли маҳсулотларда никотин миқдорини хромато-масс спектрометрия усули билан аниқлаш	186

УДК: 8-1/8.01

МУМТОЗ БАДИЙ МАТНЛАРДА ГЎЗАЛЛИКНИНГ ИФОДАЛАНИШИ
ИЗОБРАЖЕНИЕ КРАСОТЫ В КЛАССИЧЕСКИХ ХУДОЖЕСТВЕННЫХ ТЕКСТАХ
IMAGE OF BEAUTY IN CLASSIC ARTISTIC TEXTS

Искандарова Шарифа Мадалиевна¹, Маруфова Зулфия Набиевна²,

¹Искандарова Шарифа Мадалиевна,

– ФарДУ, тилшунослик кафедраси профессори.

²Маруфова Зулфия Набиевна,

– ФарДУ, тилшунослик кафедраси тадқиқотчиси.

Аннотация

Мақолада “гўзаллик” тушунчаси, унинг шарқона талқини, гўзаллик компонентларини вербаллаштиришида когнитив структуранинг роли ҳақида сўз боради. Гўзалликнинг аёл тимсоли орқали ифодаланишида шарқ гўзаллик эталонлари ҳамда муаллифнинг индивидуал баҳо мезонлари Лутфий, Атоий, Саккокий шеърлари мисолида таҳлил қилинади.

Аннотация

В статье рассматривается понятие «красота», его восточная трактовка, роль когнитивной структуры в вербализации компонентов красоты. Восточные эталоны красоты в выражении красоты через образ женщины, а также критерии индивидуальной оценки автора анализируются на примере стихов Лутфи, Атои, Саккоки.

Annotation

The article examines the concept of "beauty", its oriental interpretation, the role of the cognitive structure in the verbalization of the components of beauty. Eastern standards of beauty in the expression of beauty through the image of a woman, as well as the criteria for the individual assessment of the author, are analyzed on the example of poems by Lutfi, Atoi, Sakkoki.

Таянч сўз ва иборалар: гўзаллик, концепт, вербаллашуе, шарқона, ёр, эмоционал баҳо мезони, тимсол, эстетик баҳо, миллий-этник қадриятлар, умумий белги, ассоциация, байт.

Ключевые слова и выражения: красота, концепт, вербализация, восточный, возлюбленный, критерии эмоциональной оценки, эмблема, эстетическая оценка, национально-этнические ценности, общий признак, ассоциация, байт.

Key words and expressions: beauty, concept, verbalization, oriental, beloved, criteria of emotional assessment, emblem, aesthetic assessment, national-ethnic values, common denominator, association, bait.

Ҳозирги замон тилшунослигида «концепт» термини дунё ҳақидаги билимларни намоён этиш шаклларида бири сифатида ишлатилади. Концепт ҳақида дунё тилшунослари турли фикрларни билдиришган. Аммо «концепт» нимани англатади, деган масала турлича баҳс-мунозараларга сабаб бўлмоқда. Бунинг асосий сабаби «концепт» тушунчасининг ўта мавҳум ҳодиса эканлигидир. Замонавий тилшуносликда концепт тадқиқига бағишланган изланишлар кучаймоқда. Ш.Сафаровнинг фикрича: ...“концепт»нинг замиридаги «ментал структура» ҳеч қандай моддий кўринишга эга бўлмай, балки ақлий идрок жараёнида ҳосил бўладиган, тасаввурдаги тузилма эканлигини унутмаслик лозим. Боз устига, «концепт» атамаси «тушунча», «маъно», «мазмун» каби бошқа ментал ҳодисалар билан ёнма-ён турадики, айти пайтда уларнинг ўзаро муносабатини аниқлаш, фарқли белгиларини ажратиш муаммоси ҳам пайдо бўлади»[2,41-

54]. Ю.С.Степановнинг фикрича, «тушунча предметлар ва ҳодисалар ҳақидаги фикр бўлиб, уларнинг умумий ва аҳамиятли белгиларини акс эттиради, концепт эса – бу шундай бир ғояки, у нафақат мавҳум, балки аниқ-ассоциатив ва эмоционал-баҳоловчи белгиларни ҳам қамраб олади. Концептлар нафақат фикрланади, балки улар бошдан кечирилади[3,36].

XV аср ўзбек адабиёти намуналарини таҳлилга тортадиган бўлсак, “гўзаллик” концептининг воқеланишида ассоциатив ва эмоционал-баҳоловчи белгиларнинг яққол намоён бўлишини кузатамиз. Мумтоз адабиётимизда гўзаллик, жумладан, аёл тимсоли орқали воқелантирилган бўлиб, концепт ядросини *чиройли*, *мафтункор*, *ҳусндор*, *завқ берувчи*, *бенуқсон* каби лексемалар ташкил қилса, перифериясининг 1-қатлами **Аёл**, 2-қатлами *ишқ-муҳаббат*, *соғинч*, *висол*, *ҳижрон*, *азоб*, *рақиб*, *орзу* каби эмоционал концептлардан таркиб топган.

ТИЛШУНОСЛИК

Ижодкорлар белги билдирувчи лексемалар, ўсимлик ва жонивор номларини англатувчи бирликлар, шунингдек, илоҳий тимсоллар ва миллий ибора ҳамда масаллар воситасида шарқона “гўзаллик” концептини вербаллаштирганлар.

Айтиш мумкинки, Гўзаллик кўпроқ Аёл тимсоли орқали берилган. Шоирлар Аёл таърифида ёрнинг кўзи, қоши, юзи, лаби, оғзи, сочи, қоматини онгида аввалдан мавжуд бўлган ва ўзларининг эмоционал баҳо эталонига айланган предмет, тушунча, ўсимлик ва жониворларнинг сараланган белгилари билан қиёслаш натижасида тасавуридаги гўзалликнинг лисоний шаклини яратадилар.

Айниқса, гўзаллик ифодасида рангларнинг ўрни катта. Лутфий ва унга замондош шоирлар ёр тасвирида қизил рангни ифодалашда *гул, лола, анор(нор)* каби ўсимликлар номини билдирувчи, қора ранг ифодасида *ҳабаш, мушк, ҳинду* лексемалардан кенг фойдаланган.

Ул оразу рухсор ила зулфи, энги лола,

Ойдинда ётур гул уза бир ҳинду узола (Лутфий).

Байтда ёрнинг оппоқ юзи, қизил ёноқлари атрофидан тушган зулфи ойдинда гуллар ичида ётган ҳиндуга қиёсланиб, бир байтда уч хил ранг воситасида гўзал поэтик образ яратилган. *Оразу рухсор*, яъни юз-ойдин лексемасида, зулф, яъни соч - *ҳинду* (қора танли одам) лексемасида, энг (яноқлар) – *лола* лексемасида вербаллаштирилган. Метафорик структурадаги манба майдонлари – ойдинлик, гул, ҳабаш учун мақсад майдони битта, яъни ёрнинг юзи. Кўчган белгилар – *оқлик, қизиллик, қоралик*. Мумтоз адабиётимизда *ҳинду, ҳабаш, лўли* образлари орқали маъшуқанинг холига, сочига нисбат бериш ҳоллари кўп учрайди. Ушбу тимсоллар Шарқ адабиётида деярли барча шоирлар ижодида мавжуд. Масалан:

Агар Рум аҳлина зулфунг ҳабашнинг лашкарин солса,

Кўнеул илгинда ул соат топилмас ҳеч амон, эй жон. (Сақкокий)

Ё тамошо қилғали, ё сеҳр таълим олғали,

Зулфининг ҳиндулари ҳар саридин қилмиш ғулу] (Навоий)[5].

Атойининг

Шакар оғзинг қошинда лаъл конини

Менгинг ҳиндулари сақлаб турубдур,

байтида тасвир ифодасида **маза-таъм** ва **ранг** белгиларининг кўчиши орқали метафоранинг ёрқин намунаси яратилган. Бадиий сўз санъатидан завқланиш учун ўқувчидан “лаъл кони” ва “менгинг ҳиндулари” бирикмалари

англатадиган маънолардан хабардорлик талаб этилади. Лаъл (қимматбаҳо тош) қизиллиги жиҳатидан лабга ишора, энг(хол) қоралик жиҳатдан ҳабашга қиёсланган. Ҳазина ва конларни ҳабаш қуллар қўриқлаши ҳақидаги миллий-этник, ижтимоий тартиб-қоидаларнинг шеъриятга татбиқи орқали ёрнинг хусусиятлари бўёқдор қилиб тасвирланган.

Шунингдек, “Гўзаллик” концепти семантик майдонига кирувчи **поклик** семаси ёрдамида Атойи бетакрор тасвирлар яратган:

Ул иликким, сувдин ортиқтур, ювмас они суда,

Балки сувни пок бўлсун деб илики бирла ювур.

(*Гўзал ёрнинг қўллари сувдан ҳам тоза, у қўлини тоза қилиш учун эмас, балки сув пок бўлсин деб қўллари ювяпти*). Поклик – Гўзаллик концептининг концептосферасидаги муҳим компонентлардан бири. Инсоний қадриятлардан маълумки, сув – поклик ва тозалик манбаи. Демак, ёр – сувдан ҳам пок, тенги йўқ хилқат. Бу, – шоирнинг индивидуал-эмотив баҳоси бўлиб, унинг асосида субъектагина хос бўлган кадр ва баҳолаш мезони ётади.

Мумтоз адабиётда маъшуқа юзи, кўзи, қоши, қомати шаклу шамоийлини таърифлашда арабий ҳарфлардан фойдаланиш анъанаси ҳам мавжуд. Ҳарфий санъат воситасида яратилган тасвирларда шоир хаёлотидеги гўзаллик қисмлари арабча ҳарфлар шакли билан ўзаро ассоциациялашади. Бунда қомат -“алиф”га – *тиклик ва тўғрилиқ* белгиси, қош – “нун”га – *ёйсимонлик* белгиси, соч – “жим”га – гажаксимонлик белгиси билан қиёсланади:

“Жим” зулфинг, “нун” қошинг қасди жон айлаб эди,

Боқи бўлсин, лутф этиб кирди “алиф” қаддинг аро (Атойи).

Жон деди они Лутфий йироқтин чу кўрунди,

“Жим” сочи, “алиф” қади била ул қоши “нун”и. (Лутфий)

Қош шаклини таърифлашда камон, ёй каби предмет номлари ҳам қўлланилган ва улар шакл ва баъзан хусусият жиҳатидан қошга қиёсланади:

Ийди акбардур муборак умри жовидон била,

Гар қошинг ёси учун бўлғил десанг қурбон манга (Атойи).

Камон ва ёйдаги шакл ўхшашлигидан ташқари “ошиқнинг жонига қасд қилиш” хусусияти билан ҳам *қош* маъносини вербаллаштиради.

Мумтоз шеърятда белги ифодаловчи бирлик сифатида фазовий жисмлар – қуёш, ой, юлдузлар, сайёралар номлари ҳам сермахсул қўлланилган.

*Ҳар кун манга юз қатла гар ой кўринур,
Уйла соғинур кўзга магар сой кўринур
(Лутфий)*

мисраларида ошиқ шоир ҳар кун юз марта ул ёрни кўрган сари соғинчдан кўзларимга сой кўринади, дейди. “Ой”даги “гўзаллик”, “ўзига тортиш”, “жозибаторлик” белгилари ёрдаги худди шу сифатлар билан сифати билан туташтирилади. “Сой” бирлиги сув манбаси сифатида нутқ вазиятидан келиб чиқиб, “кўз ёши” билан ассоциациялашади.

Атойи байтида эса юз ойга, кўз Чўлпонга қиёсланишида “ёруғлик” белгиси умумий асос қилиб олинган. Биринчи мисрадаги “қоронғу кеча” бирикмаси орқали буни англаш қийин эмас:

*Қоронғу кечада қиш жубба ичра
Юзунг ою, кўзунг чўлпон бўлубдур.*

Саккокийнинг қуйидаги мисраларида ҳам **қуёш** ва **чўлпон** сўзларининг “ёруғлик” белгилари кўчирилган бўлиб, гўзаллик қисмларидан бўлмиш “нурли”, “чиройли” маънолари орқали вербаллашган:

*Ҳажр тунининг қоронғусинда қолибдур
кўнгул,*

*Эй қуёш юзлук, кўзи чўлпон, не тадбир
айлайин?*

Маза-таъм белгиси асосан, **шакар**, **новвот**, **асал**, **шакарқамиш** лексемалари орқали ифодаланган.

*Шакар эрнинг хижлатиндин шишаға
қирмиш набот,*

*Шаяллиллаҳким, ажаб ширин даҳонсен, эй
ҳабиб.*

Гадоий байтида “ёр лабининг ширинлигидан хижолат бўлган новвот шиша ичига кириб кетгани” ҳодисаси орқали лабнинг ширинлик даражаси бўрттирилади. Кўчирилган белгилар “ширин” ва “шаффоф”. Бу ифода новвот кўринишидаги шаффофлик билан шиша кўриниши тафаккурда ассоциациялашуви натижасида ишга туширилган когнитив метафора маҳсулидир.

Демак, “белги билдирувчи лексемалар семантикасида олам манзарасининг универсал тасвири билан бир қаторда миллий-маданий хусусиятлар билан белгиланувчи ментал ифодаси ҳам намоён бўлади. Универсалиялар дунёни англашнинг умуминсоний параметрлари билан белгиланса, ментал хусусиятлар тил соҳибларининг этник хусусиятлари, яшаш тарзи, урф-одат, аъналари, миллий қадриятларидан келиб чиқиб реаллашади”[4,22]. Д.С.Лихачёв томонидан миллатнинг ментал оламини белгилаш учун таклиф этилган “концептосфера” атамаси тилнинг луғат таркибида намоён бўлади ва ундан когнитив поэтика бўйича тадқиқотларда муайян тилдаги концептлар тизими табиатини ва унда сўз устасининг лисоний шахсияти учун фойдаланилади. Шундай экан, концептосферага нисбатан “оламнинг индивидуал модели”, “оламнинг концептуал манзараси”, “адибнинг концептуал тизими” ибораларини қўллаш тўғри бўлади”[1,10]. Шарқона “гўзаллик” концептининг вербаллашувида турли хил белги билдирувчи бирликларнинг салмоғи катта. Улар Шарқ халқларининг ўзига хос этник хусусиятлари, миллий маданияти ва эстетик баҳолари қиёфасини ўзида акс эттиради.

Адабиётлар:

1. Тарасова И.А. Поэтический идиостиль в когнитивном аспекте. (На материале поэзии Г.Иванова и И.Анненского). Автореферат дисс. доктора филол.наук. –Саратов-2004.
2. Сафаров Ш. Когнитив тилшунослик. – Жиззах: Санзор, 2006
3. Қаранг:Т.К.Мардиев. “Бахт” концептининг лингвомаданий ва семантик талқини. Хорижий филология. №4, 2016 йил
- 4.Кадилова Б.Р. Белги билдирувчи лексемаларнинг лингвокультурологик хусусиятлари. Филол.фан. б. фал. доктори (PhD) диссертацияси автореферати.Тошкент, 2019
- 5.Алишер Навоий. Хазойинул маоний. 5-том.
http://navoi.natlib.uz:8101/uzb/xazoyin_ul_maoniy_beshinchi_tom/gazallar/gazallar_501_650/
6. Лутфий. Девон. –Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2012.
7. Саккокий. Танланган асарлар. ЎзССР Давлат бадий адабиёт нашриёти. 1958
8. Девони Шайхзода Атойи. –Т.: “Фан”, 2008